

27-52 2014 VII-XII

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

Ўзбекистон «Адолат» сotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 27 (988) • 2014-yil, 4-iyul, juma



Матбуот —

кучли фуқаролик жамияти барпо этиш омили

➤ Муносабат

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим йўналишидир. Шу сабабли юртимизда миллий матбуот ривожини, уни эркин фикр минбарига айлантиришга жуда катта эътибор берилмоқда. Президентимиз матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўлаган байрам табригида журналистлар меҳнатига яна бир бор юқори баҳо бергани ҳолда, жаҳон миқёсидаги глобаллашув, ахборот-коммуникация технологиялари катта таъсир кучига эга ҳозирги замонда матбуот ва оммавий ахборот воситалари олдида турган муҳим вазифаларга эътибор қаратиши бежиз эмас, деб ўйлайман.

2 ➤

Сайловчи ишончи бирламчи масала

➤ Депутатлик гуруҳларида

Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти кенгаши ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлини маси ҳамкорлигида «Депутатлик гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш, сиёсий партиялар ҳудудий ташкилотлари томонидан сайлов жараёнида депутатликка номзодлар тайёрлаш ва кўрсатишнинг долзарб масалалари» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

3 ➤

Чиниқиш мактаби

➤ Сиёсий ўқув

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар яқинлашгани сари Ўзбекистон «Адолат» СДП Наманган вилояти кенгаши ҳам тайёргарлик ишларини тобора кучайтирмоқда. Депутатликка номзодлар саралаб олиниб, улар билан ишлаш йўлга қўйилди. Айни пайтда ишончи вакиллар, ваколатли вакиллар, кузатувчилардан иборат сайлов кампанияси қатнашчилари гуруҳларини шакллантиришга ҳам киришилди.

5 ➤

Малакали кадрлар ва тараққиёт

➤ Абитуриент — 2014

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар кўламини янада кенгайтириш, халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самардорлигини оширишда замонавий талаблар даражасида таълим олган кадрларнинг ўрни беқиёс. Бугунги кунда юртимизда бешта олий ўқув юрти ва уларнинг учта филиалида тиббиётнинг турли йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Уларнинг орасида Тошкент тиббиёт академияси алоҳида ўрин тутади.

3 ➤

Қонунлар энг аввало

инсон манфаатларига хизмат қилиши лозим

➤ Фракция ййгилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг ййгилишида парламент куйи палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Кун тартибидagi «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама этилди. Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ ташувчи йўловчининг ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказилгани, юк ёки багаж йўқолгани, кам чиққани ва уларга шикаст

етказилгани (бузилгани) учун жавобгардир.

Кунун лойиҳасининг асосий гоёси ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга ошириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида транспорт воситаларининг барча турларида ташишни амалга оширишда йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига зарар етказилган зарар ўрнининг қопла-нишини кафолатлашдан иборат.

Депутатлар қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида уни қабул қилишнинг бугунги кундаги заруриятига асосий эътиборни қаратдилар.

Қайд этилишича, миллий қонунчилигимизда ташувчининг йўловчилар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш тартибига солувчи яхлит (алоҳида) норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас.

Шу билан бирга, бугунги

кунда йўловчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар бўйича суғурта ҳимояси «Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида»ги қонун билан таъминланиб келмоқда. Ушбу қонун таҳлили унинг алоҳида нормалари замонавий талабларга жавоб бермаётганини кўрсатмоқда.

2 ➤

Асака янада чирой очмоқда

➤ Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги олдида

Озод юртга ободлик ярашади, дейдилар. Бугун бу ибора асакаликларнинг қалб амрига айланган. Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги байрами арафасида амалга оширилаётган ишлар, кун сайин чирой очиб, байрамона безатилаётган кўча ва гузарлар, жойларда ўтказилаётган байрам тадбирлари бунинг яққол ифодасидир. Энг аҳамиятлиси, бу ишларда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг асакалик аъзонлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

5 ➤

Мақсад —

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш

➤ Депутат минбари

Қимматли қоғозлар бозорининг республикамиз молия бозоридаги ва умуман иқтисодиётдаги мавқеини янада ошириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш, фонд бозорига қимматли қоғозларни чиқариш ва уни жойлаштириш шартлари, қимматли қоғозлар билан битимларни тузиш ва уларни рўйхатга олиш талаблари, шунингдек, фонд бозорига профессионал фаолиятни амалга ошириш шартларини соддалаштириш долзарб вазифа ҳисобланади.

3 ➤



➤ Муносабат

Фарғона азалдан водийнинг дурдонаси сифатида инсон қалбини ўзига ром этган. Вилоятнинг иқтисодий, маданий, деҳқончилик салоҳияти эса мамлакатимизнинг ривожланишига доимо салмоқли ҳисса қўшиб келган. Мустақиллик йиллари эса вилоятнинг бундай имкониятларини юз чандон оширди.

Одатда давлатимиз раҳбарининг юртимиз вилоятларига қилаётган амалий ташрифлари фақат бир мақсадга — мамлакатимизнинг иқтисо-



дий, ижтимоий-сиёсий куч-қудратини янада юксалтиришга хизмат қилиб келмоқда. Шу сабабли бундай ташрифлар халқимиз томонидан ҳар қачон чин қалбдан кутиб олинади ва қадрланади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Фарғона вилоятига қилган ташрифи вилоят аҳли орасида шундай юксак ҳис-туйғуларни туғдирди. Уларнинг кўнглини кўкка кўтарди.

2 ➤

Қонунлар энг аввало

инсон манфаатларига хизмат қилиши лозим

Давомий Бошиқ 1-Ботда

Бундан ташқари, хорижий тажрибада йўловчиларнинг манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш учун йўловчиларнинг мажбурий шахсий сугуртаси ўрнига ташувчининг йўловчилар олдидagi фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш механизми қўлланилмоқда.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳасининг мақсади ташувчининг йўловчилар ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Шунингдек, лойиҳада мажбурий сугурта қилишнинг объекти ва субъектлари, ташувчи ва сугурталовчиларга қўйиладиган талаблар аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Мажбурий сугурта бўйича мажбуриятнинг ташувчилар томонидан бажарилишини назорат қилиш ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташуви хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ва ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан амалга оширилади.

Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида фракция аъзолари ўзбекистон "Адолат" СДП Сайловдаги дастурида белгиланган "Инсон манфаатлари — энг олий қадрият" тамойилидан келиб чиқиб, унда келтирилган нормалар ҳар жиҳатдан тартибга солинган ҳамоҳанг эканини таъкидлашди. Қонун лойиҳасида белги-

ланаётган механизмларни янада такомиллаштириш, қабул қилгандан сўнг қўлланилишини осонлаштиришга қаратилган тақлифларини билдирдилар ва уни концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватладилар.

Фракция аъзолари «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари ўзгариши ва қўшимчалар киритиш ҳамда бекор қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар.

Ушбу қонун лойиҳасига мувофиқ "Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларнинг мажбурий шахсий сугуртаси тўғрисида"ги ўзбекистон Республикаси Қонуни, ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мазкур қонунни амалга киритиш ҳақидаги қарори, 1997 йил 26 декабрдаги ўзгариш ва қўшимчалар ҳамда ушбу қонунни амалга оширишга қаратилган қонуности ҳужжатлари ўз кучини йўқотмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 110-моддаси, "Автомобиль транспорти тўғрисида"ги ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддаси ва "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасида йўловчиларнинг мажбурий шахсий сугуртасини назорат тутган алоҳида қисмлар чикариб ташланмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта

қилиш тўғрисида"ги Қонунига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш назарда тутилмоқда.

Муҳокама қилинган жараёнида фракция аъзолари ҳар иккала қонун лойиҳаси фуқароларга етказилган зарар ўрнининг қопланишини кафолатлашдаги умумдавлат тизимда муҳим аҳамиятга ва ўринга эга бўлишини ҳамда йўловчиларга етказилган зарар ўрнини қоплаш бўйича харажатларни энг мақбул даражага келтириш йўли билан ташувчиларнинг мулкий манфаатлари ҳимоясини таъминлашга хизмат қилишини таъкидладилар. Қолаверса, ушбу қонун лойиҳаси янги иш ўринлари яратишга, сугурта бозори ва транспорт инфратузилмасининг ривожланишига, кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ошишига имкон бериши билан ўзбекистон "Адолат" СДП дастурий голярига тўла мос келиши қайд этилди ва депутатлар томонидан маъқулланди.

Йиғилишда банкротлик механизми янада такомиллаштиришга, қасддан банкротлик олиб бориш ҳолларини аниқлаш бўйича ҳуқуқий чора-тадбирларни яратишга, кредиторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтиришга, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам қизгин муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси амалдаги ҳуқуқий ҳужжатларга қасддан банкротлик олиб бориш ҳолатларини аниқлаш бўйича олдини

олувчи чора-тадбирлар ва механизмларни киритиш зарурияти мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда тақлиф этилмоқда. Қонун лойиҳасига суд бошқарувчилари учун қасддан банкротлик олиб бориш аломатларини аниқлаш мажбуриятини назарда тутувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда, унда ҳўжалик суди кредиторнинг аризасига қўра банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда қасддан банкротлик олиб бориш ёлгон банкротлик олиб бориш ҳолатлари борлигини текшириш учун экспертиза ўтказишга ҳақли, деб белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишга тайёрланган вариант билан таништирилган экан масъул қўмига аъзоси биринчи ўқишда "Адолат" СДП фракцияси аъзолари томонидан берилган тақлифларнинг аксарияти қонун лойиҳасининг ўзи бу моддаларда ўз аксини топганлигини эътироф этди. Лойиҳани модда-модда кўриб чиқиш жараёнида фракция аъзолари тақлиф этилаётган ушбу ўзгаришлар кредиторлик қарздорлигини, шу жумладан, бюджетга тўловлар бўйича қарзларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг қасддан банкротлик олиб боришига йўл қўймаслик учун ҳуқуқий тўсиқ яратиш имконини беришини қайд этдилар.

Депутатларнинг фикрича, ушбу нормаларнинг киритилиши пул маблағларидан ва бошқа мол-мулкдан оқилноа фойдаланишга, корпоратив бошқарув сифатини яхшилашга, корхоналар раҳбарлари ва мулкдорларнинг иқтисодий мустақиллиги учун уларнинг жавобгарлигини оширишга

қўмаклашади. Бу эса ўз навбатида "Адолат" СДПнинг жамияти мавжудлигидан келиб чиққан қонун устуворлигини таъминлашга доир дастурий мақсадларига тўла мос келишини таъкидлаган ҳолда қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, йиғилишда "Микромолиялаш тўғрисида"ги ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига ўзгариш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун уларнинг молиявий ресурслардан фойдаланишини яхшилаш орқали қўшимча шароитлар яратишга қаратилган мазкур қонун лойиҳаси "Микромолиялаш тўғрисида"ги ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига ўзгариш киритишни назарда тутиб, шу асосда кредит буюртмасини кўриб чиқиш муддати ўн иш кунидан уч иш кунига камайитрилмоқда.

Йиғилишда кун тартибидagi қонун лойиҳалари юзасидан фракция аъзолари Зухра Ботирова, Абдукамол Раҳмонов, Тўлқин Абдусатторов, Қодир Жўраев, Ойша Ахунова ва Мавлуда Нишонава ишчи гуруҳларига ўзларининг аниқлаштурувчи савол ҳамда тақлифларини билдирдилар.

Йиғилишда қўрилган барча масалалар юзасидан фракция аъзоларининг тартиб-таътибдан келиб чиқадиган тақлиф-таъсиялар тингланди ва фракция нўқай назари белгилаб олинди.

Илҳос САХАТОВ, «Adolat» мухбири

Матбуот

кучли фуқаролик жамияти барпо этиш омили

Давомий Бошиқ 1-Ботда

Негаки, ахборот асри деб ном олган бугунги замонамизда сўзнинг қудратини ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди. Яъни XXI асрда мафқуравий кураш ядро полигонларидаги курашдан ҳам хавфлироқ тус олди. Ядро қуроли юз минглаб, миллионлаб одамларнинг бошига етиши мумкин. Аммо матбуот ва ОАВ миллиардлаб одамларнинг онгини, дунёқарашини арзиманга сонилар ичида ўзгариштириб юборишга қодирлиги сир бўлмай қолди.

Айтиш керакки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтди. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида соҳадаги ислохотларни бутунлай янги ўзгариш киритишни назарда тутиб, шу асосда кредит буюртмасини кўриб чиқиш муддати ўн иш кунидан уч иш кунига камайитрилмоқда.

Йиғилишда кун тартибидagi қонун лойиҳалари юзасидан фракция аъзолари Зухра Ботирова, Абдукамол Раҳмонов, Тўлқин Абдусатторов, Қодир Жўраев, Ойша Ахунова ва Мавлуда Нишонава ишчи гуруҳларига ўзларининг аниқлаштурувчи савол ҳамда тақлифларини билдирдилар.

Йиғилишда қўрилган барча масалалар юзасидан фракция аъзоларининг тартиб-таътибдан келиб чиқадиган тақлиф-таъсиялар тингланди ва фракция нўқай назари белгилаб олинди.

Йиғилишда қўрилган барча масалалар юзасидан фракция аъзоларининг тартиб-таътибдан келиб чиқадиган тақлиф-таъсиялар тингланди ва фракция нўқай назари белгилаб олинди.

Йиғилишда қўрилган барча масалалар юзасидан фракция аъзоларининг тартиб-таътибдан келиб чиқадиган тақлиф-таъсиялар тингланди ва фракция нўқай назари белгилаб олинди.

Йиғилишда қўрилган барча масалалар юзасидан фракция аъзоларининг тартиб-таътибдан келиб чиқадиган тақлиф-таъсиялар тингланди ва фракция нўқай назари белгилаб олинди.

воқеа-ҳодисаларни чуқур ид-роқ этиш, уларнинг туб моҳиятига етиб бориш учун аввало одамларда мустақил фикрлаш ва яна бир бор мустақил фикрлашни шакллантириш талаб қилинишини алоҳида таъкид-лади.

Дарҳақиқат, оқни қора, қорани оқ деб кўрсатишга уриниш, ахборот-коммуникация воситаларини ўзининг узқони кўзлайдиган манфаатларига хизмат қилишга мажбур этиш, давлатлар тўғрисида турли сохта маълумотларни тарқатиш ҳолатлари авваломбор оммавий ахборот воситалари ходимларидан ўзининг мустақил дунёқарашини ва фикрларини эга бўлишини тақозо этади. Негаки, ахборот етказувчининг маъзува ҳолис ва ҳаққоний ёндашуви аввало кенг дунёқарашини ҳамда мустақил фикр-лаши олишни талаб этади.

Умуман олганда, бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг вазибалари ҳам, улар олдида қўйиладиган талаблар ҳам кўп. Энг асосий, ҳал қилувчи талаб эса ҳақиқатни, ҳаёт ҳақиқатини тўлақонли акс эттириш, давлат ва жамият ўртасида бамисоли ишончли кўприк бўлиб хизмат қилишдан иборат.

Демак, журналистларимиз, айнакча, ёш ижодкорлар, қаламкашлар ўз маҳорати, билим ва истеъдодини ошириши, замонавий ахборот технологияларини чуқур ўзлаштиришлари, хорижий тилларда бемалол сўзлашни ўрганишлари керак. Эеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг халқро ахборот майдонига кириб бориши, дунёда ном қозонган нуфузли медиакомпаниялар, чет эллардаги ҳамкасблари билан самарали иждоий алоқалар ўрнатилишида бу омилар алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Дастурида журналист кадрларни тайёрлайдиган ва қайта тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ўқув режаларига инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда оммавий ахборот воситаларининг иштирокига оид мамлакатимиз ҳамда халқро тажрибани ўрганишни кўзда тутувчи махсус ўқув дастурларини киритиш лозимлиги белгиланганки, бу борадаги интилишларимиз юқоридagi талабларга жавоб беради.

Шу нўқай назардан, биз ўз олдимизга келажаги буюк, ривожланган демократик давлат куриш мақсадини қўйган эканмиз, партиямиз вакиллари ҳам ҳақон ахборот маконидан муносиб ўрин эгаллаш, керак бўлса, оммавий ахборот воситалари ходимларининг билим ва тажрибаси, касб маҳоратини ошириш ишга жиддий эътибор қаратишлари зарур бўлади.

Ойша АХУНОВА, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Фарғонамиз обод ва кўркам

Давомий Бошиқ 1-Ботда

Маълумки, 2009 йилнинг кузидa давлатимиз раҳбари Фарғона ва Қўқонга ташриф буюриб, ушбу шаҳарларнинг юртимиз кўркам шаҳарлари каторидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш бўйича чуқур мазмунга эга маслаҳатлар берган эди. Орадан қисқа муддат ўтди. Бу тарих учун бир он ҳисобланади. Бугун бу заминга келсангиз, амалга оширилган ва давом эттирилаётган ўзгаришларни кўриб лол қоласиз.

Қад кўтарган кўркам бинолар, спорт иншоотлари, санoат корхоналари, ўқув юрти бинолари кўзни қамаштиради. Ислoм Қаримов ташаббуси билан Фарғона шаҳрининг маркази яратилди. Шаҳар атрофида кичик ҳалқа йўли барпо этилди. Йўл бўйларига ҳудуднинг табиий-иклим шароитига мос манзарали дарaxтлар экилди. Бу шаҳар ҳавоси мусoафoлигини ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун янада кенг қўлайлик яратмоқда.

Истиқлол шарофати фарғоналиклар юрагига яқин. Мустақилликнинг нури, истиқболли йўли эса қандай бебаҳо неъмат эканлигини вилоят ахли яхши билади.

Ахир, мустақиллик тонги отгунича қанча-қанча ташвишлар, муаммолар бошга тушганини, уларни даф этишга айнан мамлакатимиз раҳбари бош-қoш бўлганлигини унутиб бўладими? Шу сабабли Президентимизнинг бу галги ташрифи ҳам Фарғонага янги руҳ, қўтаринки кайфият бағишлади. Вилоятда кишини лол қолдирувчи ўзгаришларнинг рўй берганлиги, аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалганлиги ҳаёт ҳақиқати бўлди. Бу ўринда мисoллар, рақамлар келтиришга эҳтиёж йўқ. Мухташам уй-жойлар, мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юрталарининг



институт ва университетлар, коллежларнинг янги бинолари, қўшма корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, янги банклар, савдо расталари, кўркам боғлар... Нафақат вилоятимиз, балки бутун республикамиз кўрки, таровати, чиройидаги ўзгаришлар замирида энг аввало, халқимиз дунёқарашини ва онгини, ислохотларга, юрт тараққиётига дахлдорлик ҳиссини ошириш мақсадлари ётганлигини ҳам таъкидлашни ис-



Ўза олган суратлар

тардим. Чунки инсон қанчалик фаровон, қанчалик тўқ яшаса, зидентимизнинг бу галги ташрифи ҳам Фарғонага янги руҳ, қўтаринки кайфият бағишлади. Вилоятда кишини лол қолдирувчи ўзгаришларнинг рўй берганлиги, аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалганлиги ҳаёт ҳақиқати бўлди. Бу ўринда мисoллар, рақамлар келтиришга эҳтиёж йўқ. Мухташам уй-жойлар, мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юрталарининг

логиялари, замонавий телекоммуникация тизими, интернет кириб боради, деб ҳеч ким ўйламаганди.

Энг асосийси, қишлоқ аҳолиси учун деярли янги бўлган бундай турдаги хизматлар одамлар эҳтиёжини таъминлаш билан бирга, қишлоқ касб-ҳунар коллежларида таълим олган ва касб эгалланган минглаб, ўн минглаб йигит-қизларни иш билан банд этиш имконини бермоқда. Фарзанд-

ларимиз, униб-ўсиб келадиган ёш авлод учун бу қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини бир сўз билан ифода этиб бўлмайди. Натижа шу бўлдики, одамлар, айнакча, ёшлар билан сўхбатлашар экансиз, уларда бугунги кундан мамнуният, эртанги кунга ишончни кўрасиз. Жойлардаги бундай ўзгаришлар, яратилаётган имкониятлар ёшларда турли ёт гоа ва зарарли иллатларга қарши қатъиятнинг мустаҳкамламоқда.

Шу билан бирга дунёда, ён-атрофимизда содир бўлаётган турли тўқнашувлар, зиддиятлар, қарама-қаршиликларга теран кўз билан қарашга, оғoх ва хушёр бўлишга ундамоқда. Энг муҳими, халқимиз бу ўзгаришлар замирида узқони кўзлаган оқилноа сиёсат ётганлигини, барча ютуқлар сабаби тинчлик ва барқарорликдан эканлигини англаб етди. Одамларнинг янги маънавий қиёфаси, ойдин орзулари, эртанги кунга ишончи... Буларнинг бари истиқлол шарофатидан.

Юртбошимизнинг фермер ҳўжалиқларига ташрифи чоғида олдий ишчи, комбайн бошқарувчиси билан самимий суҳбатда оилага берган эътиборларни кўнглимизни тоғдек кўтарди. Бу гамхўрлик ҳам юртимизда инсон манфаатлари энг олий қадрият эканлигини, аёллар улуғлигини, оналик ва болалик давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида эканини кўрсатиб турибди.

Бир сўз билан айтганда, бу ютуқларнинг бари юртимизда ҳўм сураётган тинчлик ва хотиржамликдан. Халқимизнинг тотувлиги ва жиқлиги бизни янада юксак марраларга элтади. Юртбошимизнинг шаҳар ва қишлоқлар ҳаёти билан яқиндан танишганликлари, уларни ривожлантириш ва янада обод қилиш бўйича берган маслаҳатлари эса Фарғонанинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва ролини кучайтиришга хизмат қилади, албатта. Бу эса биз партия фаолларидан, депутатлардан ҳам ислохотлар жараёнида олдинги қаторларда бўлишни, амалий ишларимиз билан сайловчилар ишончини қозонишни, уларга берган ваъдаларимиз устидан чиқшини талаб этади.

Зулфия ИСЛОМБЕКОВА, Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

Истеъдодлар сараланди

Юрт келажаги

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Моданият ва спорт ишлари вазирликлари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилаётган "Юрт келажаги" республика иқтидорли ёшлар кўрик-танловининг Андижон вилояти басқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Моданият ва спорт ишлари вазири М.Ҳожиматов ва бошқарлар Президентимиз раҳнамоллигида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, иқтидорларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Архитектура ва дизайн, либoслар дизайни, ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлар ва техник ишланмалар, аънавий ва амалий санъат, иқтисодий-ижтимоий ислохотларни такомиллаштириш бўйича тақлифлар, адабиёт ва журналистика йўналишлари бўйича ёшларнинг билим ва маҳоратини синовдан ўтказган танловнинг туман ва шаҳар басқичларида 3 минг 128 нафар йигит-қиз иштирок этди. — Танлов истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси вазибаларини бажарувчи Акмалжон Жумабоев. — Иштирокчиларнинг тақдим этган ишлари билан танишиш асосида ёшлардаги фoлиқ, мустақил иждоий фикрлаш қобилияти, голибликка бўлган интилиш ва ўзларига ишонч кучли эканлиги яққол намoён бўлмоқда. Танловда 16 номинация бўйича голиб чиққан 48 нафар йигит-қиз мамлакат басқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдурахмонов сўзга чиқди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ, Ўза мухбири

Мақсад — қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш

Давоми. Боши 1-бетда

Шу жихатдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида биринчи ўқишда концептуал жихатдан қабул қилиниб, айни пайтда иккинчи ўқишга тайёрлаш устида иш олиб борилаётган "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси мазкур соҳадаги муносабатларни бугунги кун талаблари асосида ҳуқуқий жихатдан тартибга солишга қаратилган.

Мазкур қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2011 йил 7 январдаги "2011-2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотлар кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мамлакатда ишчанлик муҳитини шакллантиришнинг мезонлари ва баҳолаш тизимини аниқлаш ва амалга оширишга доир чора-тадбирлар Дастури тўғрисида"ги ҳамда 2012 йил 19 мартдаги "Фонд бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларига асосан ишлаб чиқилган.

Лойиҳадан кўзда тутилган мақсад эмиссионий қимматли қоғозлар, шу жумладан, янги молиявий воситалар билан боғлиқ тартиб таомилларни соддалаштириш, республика фонд бозорининг замонавий ахборот технологияларига ўтишини таъминлаш, янги молиявий инструментларни жорий қилиш қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларига қўйиладиган талабларни қайта кўриб чиқиш ҳамда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича энг илғор халқаро амалиётни мамлакатимизда татбиқ этишдан иборат.

Тақлиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар корпоратив ҳисобланмайдиган облигацияларни чиқариш тартиби ва шартларини белгилаш, қимматли қоғозлар билан боғлиқ битимларни электрон кўринишда тузиш тартибини жорий қилиш, қимматли қоғозлар бозорини манипуляция ҳолатларини аниқлаш ва инсайдерлик ахборотидан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлиқни ўрнатиш, инвестиция фонди ва депозитарийлар фаолиятига қўйилган чекловларни қайта кўриб чиқиш, республика норезидентлари томонидан қимматли қоғозлар бозорини профессионал фаолиятини амалга ошириш шартларини қайта кўриб чиқиш, бу ҳам ўз навбатида қонун лойиҳасини тартибга солиш мақсадлари ва электротариф манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тақомиллаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш бўйича тузилган ишчи гуруҳ зиммасидаги масъулият ҳиссини оширишда. Албатта, ишчи гуруҳи томонидан айни пайтда тегишли кўмитага тақдим этиш учун бир қатор асосланган тақлифлар тайёрланмоқда.

Хулоса қилиб шунни айтиш керакки, мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорининг жадал ривожланишига ва соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий қилишни таъминлаш ҳамда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича энг илғор халқаро амалиётни мамлакатимизда татбиқ этишга имконият яратди.

Корея Республикаси ва Япониянинг амалдаги тажрибасидан келиб чиқиб, қимматли қоғозлар бозорини депозитарий ва ҳисоб-китобклиринг палатасининг алоҳида лицензияланган профессионал фаолият турини бекор қилиш ҳақидаги норма, депозитарий функцияларини инвестиция воситачисига, ҳисоб-китоб ва клиринг функцияларини эса банкка ва қимматли қоғозларнинг савдо ташкилотчиларига ўтказиш тартиби белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасининг асосий госяи қимматли қоғозлар бозорининг республика молия бозорини янада ривожлантириш ва умуман иқтисодиётдаги мавқеини янада ошириш ва рақобат-

бардошлигини таъминлашга қаратилгани, унда республика фонд бозорининг замонавий ахборот технологиялари ва ўтишини таъминлаш ва янги молиявий инструментларни жорий этиш ҳамда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича энг илғор халқаро амалиётни татбиқ этишни назарда тутувчи нормалар акс эттирилаётгани Ўзбекистон "Адолат" СДП дастурий мақсад-вазифаларига тўла мос келиши билан аҳамиятлидир. Шунингдек, ахборотларни ошкор қилишни тартибга солиш ва қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг жавобгарлиги юзасидан алоҳида моддаларни киритиш тақлиф этилмоқдаки, бу ҳам ўз навбатида қонун лойиҳасини тартибга солиш мақсадлари ва электротариф манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тақомиллаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш бўйича тузилган ишчи гуруҳ зиммасидаги масъулият ҳиссини оширишда. Албатта, ишчи гуруҳи томонидан айни пайтда тегишли кўмитага тақдим этиш учун бир қатор асосланган тақлифлар тайёрланмоқда.

Хулоса қилиб шунни айтиш керакки, мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорининг жадал ривожланишига ва соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий қилишни таъминлаш ҳамда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича энг илғор халқаро амалиётни мамлакатимизда татбиқ этишга имконият яратди.

Мавлуда НИШОНОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
фракцияси аъзоси

Сайловчи ишончи бирламчи масала

Давоми. Боши 1-бетда

Тадбирда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайловини ташкил этиш ва ўтказишнинг қонунчилик асослари, партия гуруҳлари шаклланишининг ташкилий-ҳуқуқий механизми, уларнинг тегишли ҳудудларда аниқ иқтисодий ва ижтимоий масалалар ечимида иштироки, маҳаллий Кенгашлар сессиялари муҳокамасига партия дастурий мақсадлари ва электротариф манфаатларидан келиб чиқувчи масалаларни киритиш, қарорлар ижроси устидан депутатлик назоратини ташкил этиш методикаси, сессияларда мансабдор шахслар ҳисоботлари эшитилиши ташкил этиш йўл-йўриқлари хусусида партия депутатлик гуруҳлари аъзолари ва депутатликка захирага олинган номзодларга маълумотлар берилди.

— Давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига бўладиган навбатдаги сайловларда муносиб иштирок этиш Ўзбекистон "Адолат" СДП учун муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, барча даражадаги партия ташкилотларининг кейинги фаолияти партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалда татбиқ этиш, шунингдек, давлат вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловда нафақат партия электротари, балки барча сайловчилар ишончини қозонишга йўналтирилмоғи лозим. Партия томонидан ташкил этилаётган ҳар бир тадбир аниқ мақсадга қаратилмоғи ва амалий натижага эга бўлиши даркор, — дейди вилоят партия кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Зулфия Исломова. — Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида фаол иштирок этишларини талаб этмоқда. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фу-

қаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси сиёсий партиялар ва депутатлик гуруҳларига мамлакатимиз сиёсий тизимини модернизация қилишда кенг имконият ва ваколатларни яратиш берди. Партия улардан давлат вакиллик органларида кўпроқ ўрин эгаллашда самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоғи лозим.

Жумладан, жойларда партия депутатлик гуруҳларининг назорат-таҳлил фаолияти сезиларли даражада қучайди. Улар томонидан маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибига олиб чиқилаётган партия электротари манфаатлари билан

Бугун депутатлар зиммасидаги масъулият ошган. Зеро, депутатнинг ўз вазифасини қай даражада амалга оширишига қараб, сайловчилар партияга баҳо беришини ҳар доим ёдда тутишимиз керак. Дарҳақиқат, бугунги сайловчи ҳар томонлама юксак салоҳият соҳиби, у етарлича фаол ва билимдон. Сайловчини қуруқ ваъдалар билан алдаб бўлмайди. Демак, биз навбатдаги сайловда сайловолди Платформасининг ҳар томонлама асосли бўлиши учун ҳаракат қилишимиз лозим. Қолаверса, 2009 йилги сайловларда берган ваъдаларимизнинг тўлиқ уйдасидан чиқишимиз, ўз фаолиятимизни янада яхшилаш чораларини кўришимиз керак.

боғлиқ масалалар қамрови кенгайди. Бу борада ижро ҳокимияти органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш тизимли равишда йўлга қўйилди. Бунинг ўзидан "Адолат" СДПнинг Фарғона вилояти маҳаллий Кенгашларида фаолият олиб бораётган депутатлик гуруҳлари ўтган йил ва 2014 йилнинг биринчи ярим йиллигида партия депутатлик гуруҳлари йиғилишларида 30 дан ортиқ масала ўргангани, давлат ташкилотларига 100 га яқин депутатлик сўрови юборилгани ҳам тасдиқлайди.

Семинарда иштирокчилар мамлакатимиз миллий сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари билан таништирилди. "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги қонун, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти тушунтирилди. Шунингдек, депутатликка номзоднинг нотижали маҳоратини ошириш, унинг ўзига хос имижини яратиш, жамоатчилик билан ишлаш, оммавий ахборот воситаларида таъсирчан

лиятни янада оширишга ундовчи бу каби ўқув-семинарларнинг ҳуқуқий қилиниши фаолиятимиз самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди вилоят кенгаши депутати Шухрат Султонов. — Тадбирда Ўзбекистон "Адолат" СДПдан сайланган депутатлар билан бирга депутатликка захирага номзодлар ҳам иштирок этганлиги янада аҳамиятли бўлди. Биз барча даражадаги депутатлар "Адолат" госяи атрофида бирлашиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этишимиз зарур. Бугун депутатлар зиммасидаги масъулият ошган. Зеро, депутатнинг ўз вазифасини қай даражада амалга оширишига қараб, сайловчилар партияга баҳо беришини ҳар доим ёдда тутишимиз керак. Булажак сайловларга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бир қатор долзарб масалалар муҳокама қилинган бугунги ўқув-семинарда мен ўзимга керакли хулоса олдим. Дарҳақиқат, бугунги сайловчи ҳар томонлама юксак салоҳият соҳиби, у етарлича фаол ва билимдон. Сайловчини қуруқ ваъдалар билан алдаб бўлмайди. Демак, биз навбатдаги сайловда сайловолди Платформасининг ҳар томонлама асосли бўлиши учун ҳаракат қилишимиз лозим.

Семинар-тренингда иштирок этган Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси аъзоси А.Мирзаев, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Фарғона ҳудудий бўлини маси раҳбари М. Алиев, ҳудудий бўлинининг бош илмий ходими Н.Темиров ва бошқалар кун тартибидagi масалалар юзасидан маълум қилдилар ва катнашчиларнинг саволларига батафсил жавоб бердилар.

Комила ИСРОИЛОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Фарғона вилояти кенгаши
матбуот котиби

Қонунлар ижроси йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайди

Кўмита йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитасида «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги ижроси» бўйича ўтказилган назорат-таҳлил фаолиятининг якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси ИИВ ДЙХХ томонидан йўл-транспорт ҳодисалари ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ўтказилган тадбирлар натижасида бола-ри билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари сони республика бўйича 2013 йилда ўтган 2012 йилга нисбатан 39 тага, 2014 йилнинг 3 ойида эса 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 5 тага камайган.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўрилган чоралар етарли эмаслиги ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича ўтказилаётган тадбирларнинг самарадорлигини янада ошириш зарурлигини тадбир иштирокчилари алоҳида таъкидлашди.

Жумладан, мазкур қонуннинг Бухоро, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги ижросига доир масаланинг муҳокамасида сўзга чиққан депутатлар, вазирлик ва идораларнинг вакиллари йўл-пат-

руль хизматини моддий-техник воситалар, йўл ҳаракатини тартибга солиш анжумалари билан таъминлашни яхшилаш, йўлларни таъмирлаш ишларини ўз вақтида олиб бориш, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг транспорт воситаларининг техник ҳолати ва жиҳозланишига, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашга қаратилган талабларни, транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрловчи ва қайта тайёрловчи нодавлат ўқув муассасалари фаолияти устидан назоратни қучайтириш бўйича чоралар кўриш лозимлигига эътибор қаратиб, мажбурият ва жавобгарлиқни қучайтириш тўғрисида фикрлар билдирди.

Мажлисда мазҳуд камчиликларга барҳам бериш ҳамда қонунчиликни тақомиллаштиришга оид бир қатор тақлиф ва тавсиялар ҳам баён қилинди.

Феруз ЖўРАЕВ,
«Адолат» муҳбири

Малакали кадрлар ва тараққиёт

Давоми. Боши 1-бетда

Нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёда ўз йўналиши бўйича етакчи ўринни эгаллайдиган ушбу таълим даргоҳида олтин факультет мавжуд. Уларда тўрт мингдан зиёд бакалавр, етти юз элли нафар магистрант таълим олади. Саккиз юздан зиёд профессор-ўқитувчи ёшларга таълим-тарбия беради.

— Таълим жараёнини илғор педагогик услублар ва замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил этиш учун барча шароит яратилган, — дейди академиянинг ўқув ишлари бўйича проректори, профессор Октябр Тешаев. — Ка-

федраларнинг асарияти академия клиникалари, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, шифоналар, диспансерлар базасида жойлашгани талабаларнинг назарий билимини амалиёт билан боғлиқ ҳолда олиб боришга хизмат қилмоқда.

Олий ўқув юртининг ахборот-ресурс маркази ва кутубхоналарида талабалар интернет тармоғи орқали тиббиётнинг сўнгги ютуқлари, жаҳондаги нуфузли тиббий илмий-амалий марказлардаги янгиликлар билан тезкор танишиш имконига эга.

Тошкент тиббиёт академияси бугунги кунда дунёнинг йигирмадан ортиқ мамлакатидидаги нуфузли клиникалар, илм-фан марказлари билан таълим ва илмий соҳаларда ҳамкорлик қилмоқда. Бу жараёнда ёш ўқитувчилар, магистрантларнинг хорижда малакасини ошириш, ривожланган мамлакатларда тиббиётнинг турли йўналишларида билим ва тажриба алмашиш, мамлакатимиз илм-фани ва тиббиётни ютуқларини халқаро миқёсда кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётди. Яқунда ўқув йилида ҳам қарийб йигирма нафар педагог ва магистр Жанубий Корея, Германия ва Италиядаги тиббий-илмий марказларда тажриба алмашди.

Маълумки, кундан кунга ривожланиб бораётган тиббиёт ютуқларидан оқилона фойдаланиш, бу соҳада аниқ йўналишларга исти-

сослашган малакали мутахассисларни тайёрлаш инсон саломатлигини асрашда муҳим омил ҳисобланади. Замон талаблари ва ана шундай эҳтиётлардан келиб чиқиб, янги-янги йўналишларга асос солинмоқда. Хусусан, 2012 йил Тошкент тиббиёт академияси базасида харбий тиббиёт факультети очилди. Унга даволаш иши факультетининг бешинчи курсини тугатган талабалар қабул қилинмоқда. Бу йил ушбу факультетнинг 27 нафар илк битирувчилари мустақил ҳаётга йўланма олди.

Олий таълим даргоҳини битириётган ёшларни ўз соҳаси бўйича иш билан таъминлашда таълим ва амалиёт ҳамкорлиги йўлга қўйилгани ўз самарасини бераётди. Академия бу йўналишда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, соғлиқни сақлаш бошқармалари, даволаш-профилактика муассасалари билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйган. Пойтахтимиздаги йигирма тўртта оилавий поликлиникада даволаш иши ва тиббий педагогика факультетлари талабалари учун амалиёт базалари ташкил этилган.

Ёшларга қаратилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик туфайли талабаларнинг таълим, илмий тадқиқот, интеллектуал фаолият бўйича ютуқлари кўпайиб бораётди. Ёшлар орасидан кўплаб давлат стипендиатлари, фан олимпадалари, илмий-амалий танловлар голиби ва совриндорлари этишиб чиқаятгани фикримиз исботидир.

2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тўғри йўналишда бўйича қабул қилинган дастур доирасида бу борадаги ишлар кўламини тобора кенгайтириш. Мазкур дастур асосида Тошкент тиббиёт академиясида капитал реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Бугунги кунгача учта ўқув корпуси мукамал таъмирланган чиқарилди. Бошқа бино ва бўлимлардаги таъмирлаш ишларини ҳам яқин кунларда тугатиш, янги ўқув йилини янгиача андозалар асосида таъмир-

ланган ва ўқув-усlubий воситалар билан жиҳозланган замонавий бинодо бошлаш режалаштирилган.

Академияда 2014/2015 ўқув йили учун қабул жараёнига ҳам жиддий тайёргарлик кўрилди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 30 апрелдаги «Республика олий таълим муассасалари қабул қилиш тартибини янада тақомиллаштириш тўғрисида»ги қарориди белгиланган вазифаларни ўз вақтида ҳаётга татбиқ этиш, бу жараёнда абитуриентлар ва ота-оналар учун зарур шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қабул комиссиясида ўнга яқин йўналишда ахборот бурчаклари ташкил этилган. Уларда тиббиёт йўналишидаги олий таълим масканлари ва уларнинг филиаллари, Тошкент тиббиёт академиясининг қабул йўналишлари, қабул комиссиясига топшириладиган ҳужжатлар, уларни тўғрида тартиб баён этилган. Қабул жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида малакали педагог ва мутахассислардан иборат гуруҳлар шакллантирилган.

Академия қабул комиссиясидан маълум қилишларича, жорий йилда ушбу таълим масканида тест синовлари биология, химия, она тили ва адабиёт фанларидан ўтказилади. Олий ҳамширалик иши йўналишида ижодий имтиҳон, биология ҳамда она тили ва адабиётдан тест топширилади.

Бир сўз билан айтганда, барча олий ўқув юртлири сингари Тошкент тиббиёт академиясида ҳам қабул жараёни ва тест синовлари қарориди таъминлаш учун барча шароит яратилган. Бу имкониятлар эртамиз эгалари бўлган навқирон авлоднинг салоҳиятини тўла намоен этиши, ўзи танлаган касб бўйича ўқиши, ҳаётда ўрнини топиши ва жамият раванқига муносиб ўлуш қўшади-ган етуқ мутахассислар бўлиб етишиши учун мустахкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири

Ҳудудий партия ташкилотларида

Сафдошлар ибрати

➤ БПТ — партия таянчи

Бугунги кунда Навоий шаҳрида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг 25 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Улар атрофида жипслашган навоийлик сафдошлар партия ғоялари, мақсад ва вазифаларини кенг халқ оmmasига етказишга, амалий ҳаракатлари, янгидан-янги ташаббуслари билан партия нуфузини оширишга уринаяптилар. Айниқса, бу борада Навоий шаҳридаги 3-сонли оилавий поликлиникада ташкил этилган партия куйи бўғини фаоллари алоҳида ибрат кўрсатмоқда.

— Жамоамизда меҳнат қилаётган шифокорларнинг 21 нафари партияга аъзо бўлган, — дейди БПТ раиси Мухайё Шокирова. — Партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини мунтазам равишда ошириб боришга катта эътибор қаратяпмиз. Бугунги куннинг муҳим воқеаларидан уларни хабардор этиб турибмиз. Партиянинг бўғинларида рўй бераётган янгиликлар ҳам эътиборимиздан четда қолаётгани йўқ. Зеро, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланган партия аъзоси ён-атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга синчков бўлмоғи, ўзининг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириб бориш орқали партиявий ишларни кучайтиришга ўз хиссасини қўша олиши зарур.

Дарҳақиқат, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида ўзгариш яшаш, унинг етакчилари, фаоллари малакасини, айниқса, ҳуқуқий-сиёсий билимларини ошириш ўта муҳим масаладир. Шу боис, шаҳар партия кенгаши ҳамда куйи бўғин ҳамкорлигида "Партия ва бошланғич ташкилотлар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш" мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Шунингдек, куйи бўғин томонидан аҳолининг

репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган турли тарғибот тадбирлари ўтказилди. Жорий йилда "Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган мақсад-вазифалар ҳамда партиянинг мазкур йўналишдаги дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур", "Эл соғлиги — юрт бойлиги", "Келажак эгалари — юрт таянчи", "Фарзандлар қўли — юрт истиқбол", "Эрта турмуш қуришининг олдини олишда аёлларнинг ўрни ва роли" каби мавзуларда 20 га яқин тадбир ўтказилди. Айтиш жоизки, бундай тадбирлар оила қуриш оstonасида турган ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи анъаналарини кенг тарғиб қилиши баробарида уларнинг сиёсий-ҳуқуқий, тиббий билим ва кўникмалари оширишга хизмат қилмоқда.

— Куйи бўғинимиз томонидан ўтказилаётган тадбирларда партия вакиллари ҳамда халқ депутатлари вилоят, шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзоларининг ишти-



рок этаётгани ўзининг амалий натижаларини беряпти, — дейди куйи бўғин етакчиси. — Бундай тадбирлар орқали депутатлар электорат вакиллари ўйлантираётган муаммоларни аниқлаб, уларнинг ўз вақтида ечим топишига кўмаклашмоқда. Жорий йилда аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий хавфли касалликлар профилактикаси ва уларга барҳам бериш, соғлом турмуш тарзи анъаналари ва саломатлик маданиятини тарғиб қилиш кенг тарғиб қилиши баробарида уларнинг сиёсий-ҳуқуқий, тиббий билим ва кўникмалари оширишга хизмат қилмоқда.

— Бугун мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган ислохотлар зиммамизга катта вазифаларни юклаган, — дейди оилавий поликлиника бош шифокори, Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоси Шовдир Асатов. — Биз бу жараёнларда, албатта, фаол бўлишимиз, партиявий ишларга қанот бағишлашимиз керак. Шу боис поликлиникамиз бошланғич ташкилоти нафақат партия аъзолари, балки муассасамизнинг ҳар бир ходими учун "фойдали" тадбирларни ташкил этиб келмоқда. Хусусан, яқиндагина поликлиникамизда ўтказилган сиёсий йўлда Конституциямизга киритилган сўнги янгиликлар ва яқинлашиб келаётган сайлов-

ларга тайёргарлик кўриш, муносиб номзодларни танлаш, номзоднинг ишончли вакили ва партия қузатувчисига қўйилган талаблар ҳақида маълумотларга эга бўлди.

Дарҳақиқат, болалар, оналар, умуман аҳоли соғлигини муҳофаза қилиб келаётган мазкур жамоа аъзолари ўз соҳасида фидойилик кўрсатиш билан бирга партия аъзоси сифатида мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этмоқда. Сафдошларига ўзларининг яхши иши, хайрли ташаббуслари билан ибрат кўрсатяпти.

Садоқат ШАМСИЕВА, Ўзбекистон "Адолат" СДП Навоий вилояти кенгаши матбуот котиби

Ўзбекистон «Адолат» СДП хабарлари

Партиянинг Китоб туман кенгаши ва туман ҳокимлиги ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллиги олдидан "Фаол демократик янгиланишлар босқичида мамлакат ижтимоий-сиёсий тизимида амалга оширилган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, "Ёш адолатчилар", "Аёллар" қаноти аъзолари, БПТ раислари, маҳалла аҳли ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Туман ҳокимлиги мажлислар залида уюштирилган тадбирда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, ривожланган давлатлар сафидан жой олиш, маънавий-маърифий ҳаётни янгилаш борасида эришилган ютуқлар эътироф этилиб, Ватанимизнинг салоҳияти ва қудрати, унинг халқро майдондаги нуфузи тобора юксалиб бораётгани партия фаолларининг кучига-куч қўшаётгани таъкидланди.

Тадбир кун тартибидagi масала юзасидан маъруза қилган Китоб туман партия кенгаши раиси Шавкат Раҳмонов истиқлол йилларида барча жабҳада эришилган ютуқлар моҳияти ва аҳамияти партия аъзолари ҳамда кенг жамоатчилик ўртасида чуқур ўрганилиши ҳамда кенг тарғиб қилиниши юзасидан фикр-мулоҳаза юритди.

Комил САХАТОВ

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қумқўрғон туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги "Жарқишлоқ" маҳалла фуқаролар йиғинида "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партиянинг вилоят, туман кенгаши етакчилари, партия аъзолари, маҳалла фуқаролари иштирок этишди.

Давра суҳбати жорий йилда қабул қилинган қонунлар, жумладан, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)ги қонуннинг аҳамиятини тарғиб этишга қаратилди.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган ушбу қонун демократик талабларга ва умумэътироф этилган халқро стандартларга тула мос келади, — деди Қумқўрғон туман партия кенгаши раиси Шайдулло Йўлдошев. — Зеро, мазкур конституцион янгиланишлар давлат ҳокимияти ва бошқарув тизимини янада демократлаштириш, Олий Мажлис палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги роли, ҳуқуқлари ҳамда ваколатларини кенгайтириш, қонун чиқарувчи олий орган ва ҳокимият вакиллик органларининг Вазирлар Маҳкамаси ва ижро этувчи органлар фаолияти устидан парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиш, шунингдек, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш учун ҳукуматнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини янада ошириши таъминлайди. Ўз навбатида, мазкур конституцион янгиланишлар сиёсий партияларнинг ваколатлари ҳамда масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Райҳон ЖУМАЕВА

Изланишлар давом этади

➤ Иқтидорли ёшлар

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сайловдони дастурида иқтидорли, ташаббускор, интилувчан, мустақил фикрга эга ёшларни партия сафига жалб қилиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Тошкент вилоят партия кенгаши қошида фаолият кўрсатаётган «Ёш адолатчилар» қаноти томонидан турли мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар, сиёсий ўқишлар, «Ёш инноватор — ислохотларга кўмақдош» кўрик-танловлари ўтказилмоқдаки, бунда иқтидори энди намоён бўлаётган, мамлакатдаги сиёсий жараёнларга бефарқ бўлмаган ёшлар кашф этилмоқда.

Тошкент вилоятининг Бекобод туманида туғилган Мухаббатхон Тоирова вилоят партия кенгашининг ана шундай кашфиётларидан биридир. Мухаббатхон дастлаб, мактабда ўқиб юрган кезларида Болалар ижодиёти фестивали республика босқичида фахрли ўринни эгаллади, информатика фани йўналиши бўйича вилоят босқичи олимпиадасида бош совринни қўлга киритди.

Қаҳрамонимиз 2011 йилда «Адолат» социал-демократик партиясига ва вилоят партия кенгаши қошида фаолият кўрсатаётган "Истеъдод" клубига аъзо бўлди. Табиатан иқтидорли бўлган Мухаббатхон олган билим, кўника ва малакасини амалиётга татбиқ этиш бошлади. Унинг 2012 йилда яратган «Қизиқарли математика», «Зулфияxonим кизлари», «Кичкинтой, биласанми?», «Қаттиқ "х" ми, юмшоқ "ҳ" ми?», «Детерминант» каби электрон услубий қўлланмалари мактабча ва бошланғич таълимда қўллаш учун Халқ таълими ва зирғилининг www.eduportal.uz ахборот-таълим порталига жойлаштирилди.

Мухаббатхон учун 2013 йил янада омадли келди. Ҳамиша интилувчан, янгиликлар билан ҳамқадам бўлган қаҳрамонимиз Зулфияxonимда Давлат мукофоти соҳибаси бўлди ва Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида "Ахборот технологиялари ва статистика" факультетида имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди. Бугунги кунда у коллеж ва лицей ўқувчилари учун таълим жараёнини дастурлашни ўргатишга

қаратилган электрон услубий қўлланма устида иш олиб бормоқда.

— Албатта, ҳар қандай ютуққа тинимсиз меҳнат ва ўз устида ишлаш эвазига эришилади, — дейди М.Тоирова. — Партиямиз қошида ташкил этилган «Ёш инноватор — ислохотларга кўмақдош» кўрик-танловларида иштирок этганим нафақат тажрибамни оширди, балки қўллаб-қувватловчи ва истеъдодли ёшлар билан ҳам яқиндан танишди.

— Дарҳақиқат, «Ёш адолатчилар» қаноти ҳамда "Истеъдод" клуби сафида истеъдодли ва иқтидорли ёшлар кўпчилигини ташкил қилади, — деди Тошкент вилояти «Ёш адолатчилар» қаноти раиси У.Шоумаров. — Ёшларнинг ҳар жиҳатдан етуқ, қилган инсон бўлиб вояга етишларида "Адолат"нинг роли беқиёсдир. Ёшлар аудиториясида ташкил этилаётган тадбирларда ижтимоий-сиёсий кўникмалар бериш баробарида аждоқлар хотирасига хурмат туйғулари шакллантириш ва мустаҳкамлаш, бугунги тинч-осуда ва фаровон кунларимизга шукроналик билдириб, бунинг қадрига етишга ундаш каби тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдамиз. Партиямиз ёшларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариш, улар яратган турли лойиҳаларни амалга ошириш ва ёшларга кенг имкониятлар яратиш устида доимо изланишда давом этади.

Дилдора СОБИРОВА, ТДИУ қатта ўқитувчиси

Депутатнинг ҳисоботи маъқулми?

Номзодлардан кўнглингиз тўқми?

➤ Депутатлик гуруҳларида

Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилояти кенгашида "Депутатлик гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда партия кенгашлари томонидан сайловларга муносиб номзодлар тайёрлашнинг долзарб масалалари"га бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд худудий бўлини маси билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур тадбирда аввало, маҳаллий Кенгаш депутатларининг партия дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги амалий ишлари муҳима этилиб, сайловларда иштирок этиши мўлжалланаётган янги номзодларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билим даражасини ошириш, сайловчиларнинг эътиборини қозонадиган таклифларни ишлаб чиқишлари кўмаклашиш масалалари ҳусусида батафсил сўз юритилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, депутатлик гуруҳларининг партия кенгашидаги ўзига хос ҳисоботи тарзида ўтказилган мазкур анжуманда ҳар битта гуруҳ фаолиятига сиёсий талаб ва ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда аниқ баҳо берилди. Хусусан, партиянинг халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Нодира Ражабованинг партия дастурига хос ижтимоий муҳим масалалар ечимини бўйича маҳаллий Кенгаш муҳокамасига муқобили таклиф киритиш ҳақидаги маърузаси ҳар томонлама ўрганилиб, маъқулланди. Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Пастдаргом туман кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Зебо Тўраеванинг ҳисобот-маърузасидан сўнг унга ҳокимиятнинг вакил-

лик органида партиянинг сиёсий позициясини аниқ намоён этиш бўйича зарур тавсиялар берилди. Семинарда партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш, амалий ишлар доирасини кенгайтириш бўйича партиянинг Самарқанд вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Бобоев, Ургут, Самарқанд туманлари кенгашлари раислари — Рабим Эносов ва Зухра Қуддусова ўз таклифларини баён этдилар. Анжуманда депутатлик гуруҳларининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очкилиги тўғрисида"ги қонун ижросини таъминлашдаги иштирокига алоҳида эътибор қаратилди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд худудий бўлини маси раҳбари ўринбосари Ф.Раҳматовнинг шу ҳақидаги маърузаси ваколатлардан самарали фойдаланиш орқали электорат мурожаатларига ўз вақтида жавоб топишга қаратилди.

Узаро фойдали фикр-мулоҳазалар билдирилган семинарда депутатлик гуруҳларида олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш ҳамда сайловларда иштирок этадиган номзодларнинг сиёсий ўқувини тақомиллаштириш бўйича зарур тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, «Адолат» муҳбири



«Адолат жилғалари» клуби истеъдодли ёшларни жипслаштирмоқда

Бугунги кунда "Адолат" СДП Хоразм вилояти кенгаши партия аъзоларининг қарийб ярмидан кўпроғини ёшлар ташкил қилади. Шу сабабли кенгаш ташаббуси билан ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтиришга қаратилган тадбирлар ва лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб "Адолат жилғалари" деб номланган истеъдодлар клуби ўз фаолиятини бошлади.

Клуб ўз фаолияти давомида ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини кучайтириш, уларнинг етакчилик қобилиятларини ошириш, она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, ён-атрофда кечаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғусини шакллантиришга

муҳим эътибор қаратмоқда. Қолаверса, ёшлар учун шеърят, журналистика ва нотиклик санъати йўналишлари бўйича ўқув машғулоти ўтказиб борилаётгани уларнинг билимларини оширишда қўл келмоқда.

Кунинча клубнинг учинчи ўқув машғулоти ўтказилди. Унда партия фаоллари бўлмиш шоир ва драматург Қурбон Мухаммадризо, Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси Болтабой Қурбонбоев, шоира Бибима-

рия Бегимова билан ижодий учрашув ўтказилди ва ёш ижодкорларга керакли маслаҳат ва тавсиялар берилди.

— Клубимиз фаолияти тобора такомиллашиб, истеъдодли тенгдошларимиз сафи кенгайиб бораётганидан хурсандмиз, — дейди клуб аъзолари Мафтуна Абдуллаева ва Чамангул Жуманиёзова. — Клубга аъзо бўлганимизга энди уч ой тўлган бўлсада, дунёқарашимиз бутунлай ўзгарди. Миллат тақдирини, мамлакат келажагини дахлдорлик туйғусини ҳис этиш, атрофда кечаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмастик зарурлигини англаб етдик. Энг муҳими, клубимиз атрофида иқтидорли ёшлар жипслаётгани бизни янада фаолликка чорляпти.

Замира АБДУЛЛАЕВА

Чиниқиш мактаби

Давоми. Бошқ 1-бетда

Мазкур муҳим сиёсий тадбирга ҳозирлик кўриш доирасида партия ходимлари ва фаоллари учун белгиланган партиявий ўқув дастурини амалга оширишга ҳам катта эътибор берилётгани эътиборга молик.

— Туман ва шаҳар партия кенгашлари бошланғич тақдиротларда сиёсий ўқув машғулотлари ўтказишга доир тавсиялар, услубий йўриқномалар ишлаб чиқишга, ўқув машғулотларига профессионал маърузачиларни жалб қилишга, ўқувларни гоёвий-ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратяпти. Партия вилоят кенгашининг Наманган давлат университети билан ўзаро ҳамкорлик шартномаси тузганлиги, ўқувларга юқори малакали мутахассисларнинг жалб этилаётганлиги унинг қизиқариши ва таъсирчан ўтишига имкон бермоқда, — дейди «Адолат» СДП Наманган вилояти кенгаши раиси ўринбосари Исроиля Жўраев. — Ҳозирда вилоят кенгаши раиси ўринбосарлари, туман, шаҳар партия кенгашлари раислари, фаоллар қаторида депутатликка номзодлар ҳам иштирок этмоқдалар. Ҳар бир ўқув жараёни маъруза тинглаш билан чегараланмасдан масала юзасидан ўзаро фикр алмашувларга ҳам бой бўлмоқда. Бу эса ҳаммамиз учун ўзига хос сиёсий чиниқиш мактаби вазифасини ўтамоқда.

Кунги кеча ташкил этилган навбатдаги партиявий ўқув ҳам шундай ўзига хос томонлари билан ажралиб турди. Наманган давлат университети «Миллий гоё, ҳуқуқ ва маънавият асослари» кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди Тоҳиржон Қозоқов «Партия ва электротар мафазаларида давлат ҳокимият органларида ифода-лаш механизми ва усуллари» мавзусида чиқиш қилди. Назарий жиҳатларни тўла қамраб олган ҳолда ҳаётий мисолларга бойлиги билан ажралиб турувчи маъруза кўпчиликини мушоабага қорлади. Айниқса, Конституцияимизнинг 21 йилли-



гига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ ус-тувор йўналишларини белгилаб олишида сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш борасидаги билдирган фикрлари асосида иш ташкил этилишига муҳим аҳамият касб этиши алоҳида қайд этилди.

Демак, сиёсий ўқувларни сифат жиҳатдан кучайтириш, ўқув-семинарлари самарадорлигини янада ошириш борасидаги ишларимизни кучайтиришимиз ус-тувор аҳамият касб этади.

Бу борада сўз кетганда, ўқувларни бошланғич партия ташкилотларида ташкил этиш кўпроқ наф беради. Негаки, партиянинг қуйи бўғинлари электротарга яқинлиги билан катта имкониятга эга. Шунинг учун аъзолар сафини ўстириш орқали БПТ микдорини кўпайтириш, айниқса, уларнинг ҳудудий жиҳатдан мутаносиблигини таъминлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бунис депутатларнинг ҳам, партия ташкилотларининг ҳам сайловчилар билан самарали алоқасини йўлга қўйиб бўлмайди. Ҳозир-

ги вазият таҳлил этилганда, кўп жойларда БПТ тармоғи ў еки бу ҳудудни тўла миқёсда қамраб олмаганини кўриш мумкин.

Маърузадан кейин сўзга чиққан партия вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Саидолим Абдурахмонов, Наманган шаҳар, Чортоқ ва Чуст туманлари кенгашлари раислари Рустам Икромов, Ҳабиба Мирабдуллаева ва Соҳиб Аҳмедов шу каби масалалар юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Муаммоларни келтириш билан бирга уларни ҳал этиш йўллари ҳам эътибор қаратилди. Биринчи навбатда, аҳоли ўртасида партияимизнинг гоё ва максадларини, дастурларини кенг тарғиб қилиш лозимлиги-га ургу берилди.

Партия вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари С.Абдурахмонов ўз сўзида тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчан бўлсагина самара бериши ҳақида тўхталар экан, бунда сиёсий технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгаллигини таъкидлади. Хусусан, у ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар моҳиятини очиб беришда ҳаётий мисолларга таяниш, иштирокчиларда тадбир таъсирчанлиги ошишини ўқитди.

— Айниқса, «Адолат» партияси илгари сураётган гоёларнинг

афзалликларини тушунтиришда аниқ таҳлил ва жонли мулоқотлар керак бўлади, деди марғулазчи. — Тадбирлар бир-биридан фақат мазмунан эмас, балки шаклан ҳам фарқ қилиши лозим. Бу иштирокчиларнинг нафақат тадбирга, балки партияга ҳам қизиқишини оширади. Уйлайманки, бугунги семинар айнан шу йўналишдаги ишларимизни янада кучайтириш, яхши тажрибаларни омалаштириш ва тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, гуруҳларга бўлинган ҳолда олиб борилган семинар дастуридан ўрин олган мавзулар бўйича ҳар бир қатнашчи ўз фикри, нуқтаи назари билан фаол иштирок этишга ҳаракат қилди. Ҳўш, таклифларнинг аҳамиятли жиҳатлари нималардан иборат бўлди? Улар партия фаолиятини кучайтириш учун қанчалик муҳим? Тадбирдан сўнг партия фаолларининг айримлари билан шу саволлар атрофида суҳбатлашдик.

— Гуруҳларда яхши таклифлар айтилди, — дейди «Адолат» СДП Тўрақўрғон туман кенгаши раиси Эркин Эргашев. — Дунёда гоёвий таҳдид ва ахборот хуружлари кучайиб, одамлар, айниқса,

ёшлар онги ҳамда қалбини эгаллаш йўлидаги кураш тобора кескинлашиб бораётган бугунги кунда аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларини самарали олиб бориш, уларнинг таъсирчанлигини оширишни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Шу жиҳатдан олиб қарасак, семинар қатор афзалликларга эга бўлди. Масалан, бу орқали аҳоли, хусусан, электротар вакиллари билан ишлаш тажрибасига эга бўлди. Машғулотларда таъсирчан сиёсий технологиялардан унумли фойдаланиш, одамлар фикрини ўрганишининг тезкор ва самарали усуллари бўйича муҳим тавсияларга эга бўлди.

Дарҳақиқат, ҳар бир сиёсий партия жамиятда мустақкам ўрин топиш, одамлар ишончини кўпроқ қозониш учун курашади. Бу жараёнда партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий онги, тафаккурини юксалтириш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирокини кучайтириш, партия позицияси ва мафқурасини кенг тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, семинарда билдирилган таклифлар умумлаштирилиб, келгуси фаолиятда улардан фойдаланишга келишиб олинди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, «Адолат» муҳбири

ГМО фойдалими ёки зарарли?

2014 йил — Соғлом бола йили

Сўнгги пайтларда бутун дунёда экинлар ва ўсимликлар таркибидаги ГМОларнинг инсон, умуман тирик мавжудот организмга таъсири ҳақида турлича нуқтаи назарлар, баҳс-мунозаралар кўлайган. Аксарият мамлакатлар қонунчилигида таркибида ГМО мавжуд бўлган маҳсулотлардан воз кечишни назарда тутувчи меъёрлар ишлаб чиқиладиган бўлса, айримларида унинг озик-овқат маҳсулотлари ёки полиз экинлари таркибида маълум микдорда учраши эътиборга олиниб келинмоқда.

Ушбу баҳсли мавзу бўйича ўқувчиларимизга бошланғич тушунча бериш, юртимиз мутахассисларининг бу борадаги қорашлари билан таништириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзпахтасаноат» уюшмаси қошидаги Генетика ва биоинформатика маркази илмий котиби, биология фанлари номзоди Шухрат ШЕРМАТОВ билан суҳбатлашдик.

— ГМО (генетик модификацияланган организм)нинг зарари бор ёки йўқлигига оид баҳс-мунозаралар кучайиб бормоқда. Юртимиз олимларининг бу борадаги нуқтаи назарлари ҳақида фикрлашувдан олдин ГМОнинг ўзи нима, унинг яратилиш тарихи ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсангиз.

— Дарҳақиқат, ҳозирги кунга келиб генетик модификацияланган организмлар (ГМО) ёхуд генетик ўзгаририлган организмлар (ГҲО) хусусида эътиборга олинган, бу ҳақда баҳслашмаган инсон кам топилса керак. Кўпчилик шунга қарамасдан улар ҳақида аниқ ва тўри маълумотга эга эмас. Интернет ва газеталарда ГМО ҳақида жуда кўп мақолалар топиш мумкин, ammo кўп ҳолларда уларда ҳақиқатдан узоқ маълумотлар берилган.

Авалламбор, ГМОнинг ўзи нима, у нима мақсадда яратил-

ганлиги ҳақида фикрлашиш учун тарихга назар солсак. Генетик модификацияланган организмлар яратилишининг асосида энг аввало, ген инженерлиги фани соҳасидаги ютуқлар ётади. Ген инженерлиги тушунчаси XX асрда пайдо бўлган бўлиб, унинг асосий мақсади ижтимоий организм генларини ўзгариштириш орқали унда бошқа хусусиятларни ривожлантиришдир. XX асрнинг 70-йилларида олимлар ген инженерлиги ёрдамида организм ДНКсига эътибор қилиш усулини ривожлантиришди. XX асрнинг 70-йилларида олимлар ген инженерлиги ёрдамида организм ДНКсига эътибор қилиш усулини ривожлантиришди. XX асрнинг 70-йилларида олимлар ген инженерлиги ёрдамида организм ДНКсига эътибор қилиш усулини ривожлантиришди.

Мазкур ихтиро гени ўзгаририлган бактериялар ва ўсимликларни яратиш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар бошла-

нишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида тиббиёт ва қишлоқ хўжалигида катта ютуқларга эришилди. Масалан, генетик ўзгаририлган бактериялар ёрдамида одам инсулинини синтез қилиш имконияти пайдо бўлди. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ютуқларни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. АҚШдаги «Монсанто» компанияси 1982 йили ilk бор гени ўзгаририлган тамаки яратди. 1994 йили АҚШнинг Galgene компанияси узоқ мuddат сақланадиган трансген FlavrSavr томатини савдога чиқарди. Кейинроқ олимлар ҳашаротларга ва гербицидларга чидамли соя, гўза, маккажўҳори ва бошқа генетик модификацияланган (ГМ) қишлоқ хўжалик экинлари навларини яратди. Бундан ташқари, А витаминига бой генетик модификацияланган шоли нави ҳам яратилди.

— Демак, фандош бу кашфиёт ўсимлик, экинларнинг турли зараркунандаларга чидамлилиги орнини, сақлашни мuddати узайиши каби ижобий натижаларга олиб келган. Лекин унинг тирик организмга салбий таъсири ҳам мавжуд, деган нуқтаи назарлар ҳам йўқ эмас. Сизнинг

ГМОлар инсоният учун янги имкониятлар яратмоқда, шунга қарамасдан уларга нисбатан салбий фикрлар ҳам мавжуд. Ammo улар ҳали илмий асосланмаган. Таҳминларга кўра, ГМО истеъмоли турли касалликларга олиб келиши ҳам мумкин. Ҳолбуки, мисол учун, ГМ мевалар табиийларидан фақат ўзгаририлган гени ва яхшироқ хусусиятлари билан ажралиб туради. Уларнинг бошқа томонлама фарқлари йўқ.

ГМОлар инсоният учун янги имкониятлар яратмоқда, шунга қарамасдан уларга нисбатан салбий фикрлар ҳам мавжуд. Ammo улар ҳали илмий асосланмаган. Таҳминларга кўра, ГМО истеъмоли турли касалликларга олиб келиши ҳам мумкин. Ҳолбуки, мисол учун, ГМ мевалар табиийларидан фақат ўзгаририлган гени ва яхшироқ хусусиятлари билан ажралиб туради. Уларнинг бошқа томонлама фарқлари йўқ.

— Айни пайтда айрим мамлакатларда уларни назорат қилишга оид қонунчилик мавжудлиги ёки ишлаб чиқиладиганини қандай изоҳлайсиз?

— Ҳақиқатдан ҳам баъзи мамлакатларда ГМ маҳсулотларни чеклашга ёки назорат қилишга асосланган қонунчилик мавжуд. Масалан, Европа мамлакатларида шундай қонунлар қабул қилинган. Бу қонунларнинг асл мақсади асосан АҚШдан импорт қилинадиган арзон ГМ мева-сабзавотларни назорат қилиш орқали Европа фермерларини ҳимоя қилишга қаратилган. Қонун ГМОни чеклашни эмас, балки ГМ ўсимликлардан олинган озик-овқатлар кўтисидан «ГМОдан тайёрланган» деган ёзув ёзилишини талаб қилади, холос.

Мамлакатимизда ҳам бундай қонунни ишлаб чиқиш бўйича бир неча йилдан бери Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари илмий-тектириш институтлари ва бошқа давлат ташкилотлари билан биргаликда ишлар олиб боришмоқда. Бу жараёнга Генетика ва биоинформатика маркази олимлари ҳам ўз хиссаларини қўшишмоқда, албатта.

Таъкидлаш жоиз, ҳозирги кунда олимлар томонидан биология фани соҳасида янги ихтиролар қилинмоқда ва улар асосида касалликларни даволашнинг янги усуллари яратилмоқда, генетик модификацияланган қишлоқ хўжалик экинларининг атроф-муҳитдаги салбий омилларга чидамли янги навлари олинмоқда. Булар ўз навбатида, ген инженерияси ва унинг маҳсулотлари, яъни ГМОларнинг инсоният учун улкан аҳамиятга эга эканини яна бир бор кўрсатмоқда.

«Адолат» муҳбири Саодат СОДИҚОВА суҳбатлашди.



Асака янада чирой очмоқда

Давоми. Бошқ 1-бетда

— Юртдошларимизда ватанпарварлик туйғулари кун сайин кучайиб бормоқда. Ҳар бир фуқарода мен ҳам юрт равнакига ўз хиссамни қўшаман, деган даъват уйгонган, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Асака туман кенгаши раиси М.Абдуллаева. — Байрам арафасида бошланган яратувчилик ишларининг замирида ҳам ана шундай шижоат ва ватанпарварликни кўриш мумкин. «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида жойларда ўтказилаётган байрам тадбирларида ҳам юртдошларимизнинг истиқлол нафаси билан яшаб, бугунги ҳаётининг мамнулигини сезиш мумкин.

Чиндан ҳам қайси бир кўча ва маҳаллада бўлманг улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Айниқса, кўп қаватли уйларда яшовчиларнинг уюшқоқлик билан таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этаётгани барчага ибрат бўлмоқда. Мўқимий мавзесидан 9 та кўп қаватли уй ва 2 та ётоқхона мавжуд. Биринчи навбатда ноқонуний қурилмалар бузиб ташланиб, уйлар орасидаги йўлақлар очилди. Худуддаги фойдаланилмай турган бинолар аниқланди. Ана шундай бинолардан бирида маҳалла фуқаролар йиғини ва шу худудга хизмат кўрсатувчи коммунал хизмат идораларининг ходимлари учун хоналар тайёрланди. Бу билан кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш ва яшаш жойидан ҳужжатлар расмийлаштиришда фуқаролар учун қулайлик яратилди.

— Қаранг, қисқа вақтда нафақат уйларимизнинг ташқи кўрғаси ва кириш йўлақлари, бу ерда яшовчиларнинг дунёраши ҳам ўзгарди, — дейди «Наврўз-2000» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, партия-миз фаолларидан бири Рўзи-хон Камолова. — Ҳар бир уй олдида ёриткичлар ўрнатилган. Қурилиш ишлари билан бирга

кичик бозорча, болалар майдончаси, дам олиш, ҳатто шахсий автомобиллар учун алоҳида жой тайёрланадиган хурсандимиз. Фуқароларимиз ҳам бу ишларга томошабин бўлиб тургани йўқ. Қўлидан келганича ободонлаштириш ва кириш йўлақларини таъмирлаш ишларида қатнашмоқдалар.

— Очиги, кўп қаватли уйларда бажарилаётган ишларни кўриб, ўз уйимизга бошқача кўз билан қарай бошладик. Канализациянинг яхшиланиши, ичимлик сув тармоғининг янги тортилаётгани ва кириш йўлақларида замонавий эшиклар ўрнатилганидан хурсандимиз, — дейди 46-йўда яшовчи фуқаро Махбубахон Абдумажмамова.

41-мактабгача таълим муассасасига ичимлик суви олиб келинди. Атрофдаги стадион таъмирланиб, болаларнинг энг сеvimли масканига айлантирилди.

Бутун юртдошларимизга номи таниш бўлган Асака маданият ва истироҳат боғида ҳам таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари қизган. Халқаро бола-фасида келтирилган «Автопоезд» кичкинтойлар учун муносиб байрам совғаси бўлди. Янги аттракционлар ўрнатиш, мавжудларини ишга тушириш, маданият ва истироҳат боғига кираверишдаги фавворани таъмирлаш учун 764 682 000 сўм маблағ сарфланди. Яқин кунларда бу жой катта кичкиннинг энг сеvimли дам олиш масканига айланади.

Бир сўз билан айтганда, бугун асакаликлар истиқлол тантанасига катта таъйёргарлик кўрмоқда. Ёшу кексанинг мақсади битта — байрамга ўз шаҳрини янада обод қилиш орқали бирга муносиб совға ҳозирлаб кутиб олиш. Буни уларнинг қалбларидаги шижоат ҳам аққол кўрсатиб турибди.

Ақбаржон НАЗАРОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти кенгаши матбуот котиби

Ўзбекистон «Адолат» СДП хабари



Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент вилояти худудий бўлими ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси вилоят кенгаши ҳамкорлигида партия фаоллари ва маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида «Депутатлик гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш, сиёсий партиялар худудий ташкилотлари томонидан сайлов жараёнида депутатликка номзодлар тайёрлаш ва кўрсатишнинг долзарб масалалари» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Семинар-тренинг давомида асосий эътибор электротар мафазаларини ҳимоя қилиш мақсадида худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда депутатлик гуруҳларининг ролини ошириш ва мавжуд муаммоларни ҳал қилишда уларнинг фаол хатти-ҳаракатларини таъминлашга қаратилди.

— Сайлов жараёни уч босқичдан иборат, — деди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси доценти А.Йўлдошев. — Бу сайловларга тайёргарлик, сайлов жараёни ва яқиний босқичлардир. Таъкидлаш жоизки, шу даврга қадар депутатлик гуруҳи тузиш учун бир партиядан уч нафар депутат сайланиши кифоя эди. Эндиликда янги қабул қилинган қонунга кўра, депутатлик гуруҳини тузиш учун бир партиядан камида беш нафар номзод депутатликка сайланиши керак. Шу боис сайловолди жараёнларни уюшқоқлик билан ўтказишга ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Сиёсий ўқув машғулотига Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент вилояти худудий бўлими етакчи мутахассиси Тўлқин Алиқулвнинг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига киритилган ўзгаришлар ҳамда худудлардаги аниқ иқтисодий ва ижтимоий масалалар ечимий бўйича мўқобил лойиҳаларни илгари суришда партияларга рақобат кўринишининг ўзига хос жиҳатлари» мавзусида маърузаси тингланди.

Институт мутахассислари томонидан маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари аъзолари, партия ходимлари ва партия фаоллари учун чоп этилган «Сиёсий партияларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини ташкил этишга доир услубий тавсиялар» номили услубий қўлланмаси тақдимоти ўтказилди.

А.ҚУРБОНОВА



Буюк ипак йўли бўйлаб

ҳамкорлик ривожланмоқда

Форум

Пекинда Буюк ипак йўли бўйлаб иқтисодий коридор ташкил этишда оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлигига бағишланган форум бўлиб ўтди.

Хитойнинг «Жэньминь Жибао» газетаси томонидан ташкил этилган анжуманда Хитой, Ўзбекистон, Россия, Хиндистон, Покистон, Эрон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркиянинг эллика яқин оммавий ахборот воситалари, Хитойнинг ташқи ишлар, савдо, иқтисодиёт, транспорт, маданият каби соҳаларга иктисослашган вазирилик ва идоралари, хорижий мамлакатларнинг дипломатик миссиялари раҳбар ва вакиллари иштирок этди.

Анжуманнинг очилишида Хитой халқ сийёсий-консултатив кенгаши Бутунхитой қўмитаси раисининг ўринбосари Ли Хайфэн, «Жэньминь Жибао» газетаси таҳририятининг бош директори Ян Чжэньду, Хитой транспорт вазирининг ўринбосари Вэн Маньон ва бошқалар Буюк ипак йўлида жойлашган мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик изчил ривожланаётганини алоҳида таъкидлади. Буюк ипак йўли бўйлаб иқтисодий коридор ташкил этилиши ҳамда бу борада минтақа оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлигини фаоллаштириш кўптомонлама алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Буюк ипак йўлида жойлашган Ўзбекистон ва Хитой халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Қадимий Мовароуннахр ва Чин юрти ўртасидаги савдо-сотиқ ва маданий алоқалар чой, пахта, ипак, қоғоз ва бошқа маҳсулотларнинг бутун дунёга тарқалишида муҳим ўрин тутган.

Бугунги кунда бу ҳамкорлик муносабатлари янги мазмун билан бойиб, барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари ўртасидаги ҳурмат-эҳтиром ва ишонч, мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга муносабатлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда бу ҳамкорлик муносабатлари янги мазмун билан бойиб, барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари ўртасидаги ҳурмат-эҳтиром ва ишонч, мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга муносабатлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатлар Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация ҳамда бошқа кўплаб ҳужжатлар асосида изчил ривожланиб бораётир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга расмий ташрифи ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрда Ўзбекистонга давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни янги мазмун билан бойитиб, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон-Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик юксак самаралар бермоқда. 2013 йил якунига кўра, бу кўрсаткич 4,5 миллиард долларга етди. Ўзбекистонда Хитой билан ҳамкорликда ташкил этилган беш юзга яқин қўшма корхона фаолият юритмоқда, Хитойнинг етмишдан зиёд компанияси ваколатхонаси ишлаб турибди.

Буюк ипак йўлида жойлашган мамлакатларимиз юқори технологиялар соҳасидаги турли лойиҳаларни амалга оширишда фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. «Жиззах» махсус индустриал зонасида хитойлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда мобиль телефонлар, қурилиш материаллари, чарм буюмлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик самарадорлигининг ёрқин тасдиғидир.

Маданий-гуманитар соҳадаги ўзаро муносабатлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Марказий Осиёда дастлабки Конфуций институтининг айнан Тошкентда ташкил этилгани таълим соҳасида ўзаро ҳамкорлигимиз изчил ривожланаётганидан далолат беради. Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрда Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида имзоланган Самарқанд шаҳрида Конфуций институтини ташкил этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон минтақамиз тараққиёти ва фаровонлигига катта ҳисса қўшмоқда. Буюк ипак йўли бўйлаб иқтисодий коридор ташкил этишида Ўзбекистон муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

Буюк ипак йўли нафақат савдо йўли, айна пайтда халқлар ўртасида маданий-маърифий ҳамкорлик воситаси ҳам бўлган. Уни тиклашда Буюк ипак йўли мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистоннинг иштироки алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан ушбу анжуман Буюк ипак йўлидаги мамлакатларнинг иқтисодиёт, савдо, таълим, транспорт, маданият, сайёҳлик каби соҳалардаги салоҳиятини тўла ишга солишда ОАВнинг тутган ўрни юзасидан фикр ва тажриба алмашиш, ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш учун қўлай имконият бўлди.

Форум доирасида Буюк ипак йўли бўйлаб иқтисодий коридор ташкил этишда оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Буюк ипак йўли мамлакатлари ҳамкорлигини ривожлантиришда, минтақа тараққиётига ҳисса қўшишда, дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни юзасидан фикр алмашилди.

Нодира МАНЗУРОВА, ЎЗА махсус муҳбири

Фалаж қўл фикр ёрдамида бошқарилади

Кўкрагидан паст қисми фалаж бўлиб қолган америкалик фуқаро фикр қучи билан қўл бармоқларини қимирлата оладиган



ягона инсондир. Бундай имкониятга у бош миясига нўхат катталигида чип ўрнатилганидан сўнг эга бўлди.

23 ёшли Йен Баркхарт бундан тўрт йил муқаддам сувга сакрагани маҳал орқа миясида олган жароҳати туфайли шундай аҳволга тушиб қолганди. Америка нотижорат тадқиқотлар компанияси Battelle невролог ва нейрорехролар билан ҳамкорликда ишлаб чиқарган янги инновацион технология эса Йенни ҳаётга қисман бўлса-да қайтарди ҳисоб.

Янги технология мия билан мушаклар ўртасида орқа миянинг жароҳатланган ўрнини айланиб ўтган ҳолда тўғридан-тўғри алоқа ўрнатади. Натижада ўзига хос виртуал орқа мия ҳосил бўлади.

Уч соат давом этган операция чоғида Баркхарт бош миясининг ўнг қўлни назорат қиладиган қатламига 4 миллиметрдан кичикроқ ўлчамдаги сенсор микрочип ўрнатилди. Бу митт қурилмада 96 электрод бўлиб, улар электр импульсларини қайд этади ва уларни компьютерга узатади. Натижада сигналлар мижознинг билагидаги электродлар билан таъминланган махсус қурилмага етиб келади ва фалажланган қўлнинг мижоз ўйлаган бармоғини қимирлатади. Бемор фикрлан буйруқ бергандан то бармоғини ҳаракатга келтиргунга қадар ўтган вақт сониянинг ўндан бирин ташкил этади, холос.

Баркхарт қисқа муддат ичида бармоқларини фикр ёрдамида бошқаришни ўрганиб олди.

Биринчи расмий синов жараёнида технология юқори баҳо олди: Баркхарт бемалол қўлини мушт қилиб туғди, бармоқларини қимирлатди, ҳатто чой қошиқни ушлаб, кўтарди ҳам. Тадқиқотчилар мазкур инновацион технология келажақда кенг қўлланила бошлашига ишонч билдиришмоқда.

Андроид-бола

ҳамма тилни билади

Япониянинг Илғор фан ва технологиялар миллий музейида ўтказилган кўрғазмада учта одамга ўхшаш роботлар намойиш этилди. Улардан бири янгиликлар дикторидир.



Икки робот-андроид одамга жуда-жуда ўхшаб кетади. Ахир уларни ясаш учун махсус силикон ва худди одамникига ўхшаб ишлайдиган мушаклар яратилди-да. Шу сабабли бу темиртанлар бемалол имо-ишора ҳам қила олишади.

Роботлар Отонароид ("катта андроид") ва Кодомороид ("андроид-бола"), деб аталади.

Отонароид ўрта ёшдаги аёлни эслатади. У одамларнинг лўқмаларига ҳеч қийналмай, шу заҳоти жавоб қайтаради, умумий мавзуларда суҳбатлаша олади ҳамда илмий маслаҳатчи вазифасини ҳам қўйилмак оло этади. Кодомороид эса ёш қизчага ўхшайди, унинг вазифаси сўнгги янгиликларни дунёнинг турли тилларида ўқиб беришдан иборат. Кодомороид дунёда бундай вазифани адо этадиган ягона роботдир. Мутахассислар яқин келажақда бундай роботлар суҳандон-одамларнинг ўрнини босиши эҳтимоли катталигини таъкидлашмоқда.

Учинчи темиртаннинг исми Теленоид бўлиб, ўлчамига кўра гўдакни эслатади.

Роботларни профессор Хириси Исигуро яратган. Профессор бу ихтиролардан мақсади инсон табиатини чуқуროқ ўрганиш эканини маълум қилган.

Хитой ҳамон биринчи

Хитойнинг Tianhe-2 суперкомпьютери ҳамон дунёдаги энг қудратли "ақлли машина" бўлиб қолмоқда. У халқаро Top500 рейтингига яна биринчи ўринни олди.



Мазкур суперкомпьютер Мудофаа фани ва техникаси университетиде ишлаб чиқилган. Қуввати 33,86 петафлопсга тенг, бу эса машина ҳар сонияда 33,86 миллиард операцияни амалга ошириши адо этади, дегани. Дарвоқе, Tianhe-2 уч йилдан буён фахрий шохсупанинг энг юқорисини эгаллаб келмоқда.

Иккинчи ўрин Америка Миллий лабораториясининг Titan компьютерига насиб этди. Унинг қуввати 17,59 петафлопсни ташкил этади.

Маълумотларга кўра, дунёдаги энг қудратли компьютерларнинг олти таси АҚШда жойлашган, Хитой, Япония, Швейцария, ГФРда эса биттадан.

Журналистикада одоб-ахлоқ меъёрлари

Давра суҳбати

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда "Журналистлар касб одоб-ахлоқи меъёрларининг долзарб масалалари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда босма ва электрон оммавий ахборот воситалари вакиллари, олий таълим даргоҳларининг журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, олимлар, экспертлар катнашди.

Ўзбекистон мустақил босма журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, олимлар, экспертлар катнашди.

оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари К.Пиккат ва бошқалар бугунги глобаллашув даврида оммавий ахборот воситалари фаолиятини ислоҳ этиш, жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкам қарор топтириш журналистлар касб одоб-ахлоқ меъёрларининг долзарб масалалари билан узвий боғлиқ эканини таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси медиа тузилмаларнинг ахборот олиш ва тарқатиш бўйича ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада ошириш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатишда янги истиқболларни очмоқда.

Мамлакатимизда кечаётган демократик янгиланиш жараёнлари журналистлар касб одоб-ахлоқ меъёрларига қатъий амал этишини талаб қилмоқда. Бу эса тайёрланаётган материалларнинг ҳолис ва ҳаққонийлиги, ҳар томонлама чуқур ўйланганлиги ва тезкорлигини таъминлашда муҳим омилдир.

Давра суҳбатида халқимиз миллий менталитети, маданияти ва анъаналаридан келиб чиққан ҳолда оммавий ахборот воситалари фаолиятида одоб-ахлоқ меъёрлари, сайловлар жараёни, долзарб ижтимоий масалаларни ёритишда касб этика тамойилларига риоя этиш атрофлича муҳокима этилди.

Н.УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири

Тобора яқин...

НАСА олимлари фикрича, Плутон сайёрасининг баҳайбат йўлдоши Харонда илиқ сувли океан мавжуд бўлиб, унинг юзасини қалин муз қатлами қоплаб олган. Демак, сув тубида ҳаёт нишонлари яширинган бўлиши мумкин.



Плутон Қуёшдан Ерга нисбатан 29 баробар узоқда жойлашган. Унинг юза қатламида ҳарорат Цельсий бўйича 229 градус совуқ. Сайёра бутунлай муз ва тошдан иборат, холос.

Харон йўлдошининг юзаси ҳам ўта совуқ деб ҳисоблаб келинади, аммо муз совутдаги ёриқларни ўрганган мутахассислар океан тубидаги ўзига хос бассейнда ҳаётнинг турлича кўринишлари мавжудлиги эҳтимоли катталигини айтишмоқда. Қудратли тўлқинлар эса айнан сув остидаги вулконлардан ҳарорат олади.

Олимлар 2015 йилнинг июль ойини сабрсизлик билан кутишмоқда. Зеро, айнан ўшанда Плутон ва Харонга НАСAnинг "Янги уфқлар" деб аталган фазовий аппарати яқинлашади. Мутахассислар Харондаги илиқ сувли океан тубидан ҳайратомуз тирик организмлар топилшига катта умид билдиришмоқда.

Австралия олимлари озиқлантирувчи моддалари кам парҳез таомлар нима учун инсон ҳаётини узайтиришини илмий жиҳатдан исботлаб бердилар. Маълумотларга кўра, бундай самара организмнинг яшовчанлик қобилиятини кучайтирадиган ҳимоя механизми билан боғлиқ экан.

Танага калориялар миқдори камроқ кела бошлаганида қувват сарфлаш озаёди, моддалар алмашинуви жараёни сустлашади, бунинг натижасида эса кексايш секинлашиб, ҳаёт давомийлиги ошади.

Эслатиб ўтамиз, ўтган асрнинг 30-йилларидаёқ машҳур биокимёгар ва парҳезшунос Клайв Маккей лаборатория каламушлари танасига калориялар киритилишини чеклаш натижасида уларнинг ҳаётини деярли икки баробарга узайтирганди. Ушанда энг "қари" каламуш 1800

Тадқиқотчилар анчадан буён йилнинг маълум вақтларида, фақат кечқурунлари дарёдан қирғоққа эшитилиб турадиган бир хилдаги ғувиллаган овоз сирини аниқлай олмайд юрардилар.

Одатда бундай овоз кечки соат саккизларда пайдо бўлади ва тонга қадар давом этади.

Нихоят олимлар олиб борган тадқиқотлар натижаларига кўра, бундай овозни балиқ-чўлбақалар чиқариши аниқланган. "Балиқ каби соқов" деган машҳур иборани йўққа чиқарган бундай балиқ бир соат давомида тинмай "қуй-

Кам еган, кўп яшайди



кун яшагани, бу эса инсон ҳаётининг тахминан 200 йилига мутаносиб.

Янги тадқиқотлар натижаларига кўра, узоқ умр кўриш паст калорияли парҳез таомлар билан бевосита эмас, билвосита боғланган. Тадқиқотчилар озиқ-овқат маҳсулотларини чеклаш имун тизимининг инфекцияларга қарши курашини сустайтириб юбориши ҳам мумкинлигини эсдан чиқармаслик лозимлигини таъкидлашмоқда.

Гапирадиган... балиқлар



лаши" мумкин. У махсус мушаклари ва сузувчан пуфаклар ёрдамида овоз ҳосил қилади. Энг қизиги, бунақанги балиқлар ўзларини ўзлари кар қилиб қўймасликлари учун овозни пастайтириш қобилиятига ҳам эга.

Олимлар худди мана шу жараённинг сирасорларини ўрганиш борасида астойдил изланишлар олиб боришмоқда.

